

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
К.Тошов	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти	84
Г.Эгамбердиева	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бошқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги)	89
И.Ғуломов	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг якунлари айрим рақамларда	94

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.Туйчиева	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида	99
З.Яхшиева	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
Ф.Икромхонова	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши	107
О.Дадажонов	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини	111

ТИЛШУНОСЛИК

С.Хашимова	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
О.Бегимов	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши.....	119
З.Акбарова	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили	124
Г.Ҳакимова	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари	129
У.Раҳмонов	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
А.Уралов	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Л.Аҳмедова	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт	143
С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги	150

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
О.Ахмаджонова	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари	160
К.Ражапов, И.Хомидов	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш	163

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ҲАҚОРАТНИ ИФОДАЛОВЧИ ЭМОЦИОНАЛ
СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИАНАЛИЗ ЭМОЦИОНАЛЬНЫХ СЛОВ, ВЫРАЖАЮЩИХ ОСКОРБЛЕНИЕ В АНГЛИЙСКОМ
ЯЗЫКЕ

ANALYSIS OF EMOTIONAL EXPRESSION OF ABUSE WORDS IN ENGLISH

У.Раҳмонов

Аннотация

Ҳозирги кунда эмоционал сўзлар муаммоси тилшуносликдаги долзарб масалалардан бири саналади. Мақолада инглиз тилида ҳақоратли бўлган сўзлар кенг таҳлил қилинган ва гуруҳларга ажратилган. Ушбу сўзлар қаторига кўпол, кишини ҳақоратловчи вульгаризмлар ҳам киради. Мақолада яна одамларнинг салбий сифатларига нисбатан қўлланилувчи зоометафораларга ҳам кенг ўрин берилган.

Аннотация

Сегодня проблема эмоциональной речи является одной из актуальных проблем лингвистики. В статье широко анализируются бранные слова в английском языке, которые разделены на группы. К ним также относятся грубые, оскорбительные слова вульгаризмы. В то же время в статье широкое место отведено зоометафоре, применяемой для выражения негативных качеств человека.

Annotation

Nowadays, the problem of emotional speech is one of the most pressing problems of linguistics. In the article, abusive words in English are widely analyzed and grouped. In this article the zoometaphors are used to show the negative qualities of people. There are several examples of these words.

Таянч сўз ва иборалар: ҳақорат сўзлар, вульгаризмлар, қарғишлар, зоометафора, WND.

Ключевые слова и выражения: бранные слова, вульгаризмы, проклятия, зоометафора, WND.

Keywords and expressions: abusive speech, vulgarisms, curses, bloody, zoometaphor, WND.

Ҳозирги кунда эмоционал лексикани ажратиш ҳақидаги мулоҳазалар кўпгина тилшунос олимлар ўртасида муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Эмоционал лексика ўзи нима? Уни тил луғат таркибидан эмоционал лексикани тайин этиш принциплари ҳақидаги масала ёки, қолаверса, сўзнинг семантик структурасидан сўзнинг эмоционал маъносини ажратиш принциплари ҳақидаги масала ҳозиргача долзарб бўлган ва ўз ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда бир неча тилшунос олимлар ўзларининг турлича фикр-мулоҳазаларини берганлар. Биз бу ҳақда бир неча тилшунос олимларнинг назарияларини таҳлил қилдик.

Эмоция – бу, шахснинг ҳам физиологик, ҳам руҳий ҳолати бўлиб, субъект фаолиятидаги тажриба, субъектга тегишли хусусият, нейро-физиологик реакция сифатида баҳоланади [1,26].

С.К.Абакумов эмоционал лексика тоифасига *хушмуомалалик, ширинсўзлик, мулойимлик, ҳатто қаҳр-ғазаб, норозиликни* ифодаловчи сўзларни киритади [2,31].

А.Р.Финкель ва Н.М.Баженовлар *юмшоқ муомала, мулойим (ёқимли) гап, ноз ва нафратланиш, жирканиш, ҳазар қилиш, менсимаслик, назар-писанд қилмаслик*

маъноларини англатувчи сўзларни киритишади [3,82].

С.С.Плямоватая эмоционал лексика тоифасига ҳиссиётни ифодаламаса ҳам, предмет ва воқеа-ҳодисаларни эмоционал баҳоловчи *олғир, уддабурон, кўрқоқ, юраксиз* каби сўзларни киритади [4,9].

Л.А.Булаховский эмоционал лексика бобида қисқача тўхталиб, лексиканинг фақатгина сўзлашув қатламига тааллуқлиларини тан олади. [5,76-77]

Ф.Травничек *қувончни* ифодаловчи сўзларни шу тоифага киритади [6,75].

Э.А.Вайгла бу нуқтаи назарнинг кўпчилик олимлар томонидан танқид қилинаётганлигини таъкидлайди [7,112].

Асосий вазифаси кишини хафа қилиш, уни жамоат олдида обрўсизлантиришдан иборат бўлган сўзларни шартли равишда “сўкиш” (“ҳақорат”) деб аташ мумкин. Вульгаризмларга ўхшаб, ҳақоратларга ҳам кўполлик ва ҳатто беадаблик коннотацияси хосдир. Аммо уларнинг ўзига хос хусусияти бунда эмас. Ҳақоратлар ҳар доим аниқ шахсларга қаратилган бўлиб, бу шахслар уларни “қадр-қимматида яраша” баҳолайдилар ва тегишлича жавоб қайтардилар.

Эмоционал лексиканинг ҳақоратни ифодаловчи семага эга бўлган сўзлари гуруҳи салбий

У.Раҳмонов – АнДУ таянч докторанти.

маъно англлатувчи сўзлардан ташкил топган бўлади. Эмоционал лексика жуда ҳам хилма-хилдир. Асосий вазифаси ҳиссиёт уйғотишдан иборат бўлган сўзларни туйғуни ифода қиладиган сўзлардан фарқлашимиз лозим. Тўпланган тил материаллари асосида эмоционал лексикани матнда бажариб келаётган вазифасини инобатга олган ҳолда уч турини ажратиб, таҳлил қилдик.

Эмоционал лексика биринчи турининг мақсади маълум таассурот қолдириш ва жавоб реакциясини уйғотишдан иборат.

Эмоционал лексиканинг иккинчи тури берилган контекстда “ўз юрагини очувчининг” эмоционал ҳолатини намойиш қилади. С.Льюиснинг таъкидлашича, икки киши поездга кеч қолиб, бўш платформада қолганларида **Damn** ёки **Bloody** ёки **Sickening** сўзларини ишлатар эканлар, улар бир-бирида умидсизлик ҳиссини кўзгатишга интилмайдилар, улар фақат юрагини очадилар [8,221-222]. Бу мисолдан кўриниб турибдики, ҳақорат сўзлари ундов сўзлар каби ҳис-ҳаяжонни ифодалашга хизмат қиладиган эмоционал сўзлар қаторига киради. Агар эмоционал лексиканинг бу гуруҳи юқорида тасвирланган бошқа гуруҳлар билан солиштирилса, ҳақорат сўзларининг айнан мана шу вазифаси кўзга ташланади. Бироқ, ҳақорат сўзларининг келиб чиқиши ва белгиланган мақсади бир хил эмас. Гуруҳ ичидагиларни таҳлил қилиш пайтида, биринчи навбатда қарғиш (лаънат)ларнинг ҳар хил турлари ажралиб чиқади: **God, My God, My God, (the) devil, (the) hell, on earth** ва ҳ.к. Ҳақорат сўзларининг айнан мана шу тури ундов сўзларга яқин туради. Бу сўзларни талаффуз қиладиганлар тингловчи билан фикр алмашишни мақсад қилиб қўймайди, бу сўзларнинг устунлик қилувчи вазифаси ҳиссиётни ифода қилиш вазифасидир. Санаб ўтилган мисоллардан кўриниб турибдики, қарғиш ифодаловчи сўзлар илоҳий махлуқларнинг ҳамда ғояларнинг номларидир, яъни эмоционал сўзларнинг ўз табиати уларнинг вазифасини белгилаб беради.

Ҳақорат сўзларининг кейинги, учинчи гуруҳини “вульгаризмлар” деган шартли ном остида жамлаш мумкин. Қарғишларни ифодаловчи сўзлардан фарқли равишда, вульгаризмлар муқаррар кўпол (дағал), ҳақорат сўзлари бўладилар, улар тингловчилар томонидан айнан шундай идрок қилинади. Уларнинг умумий эмоционал маъноси – кескин салбий. Бироқ уларнинг вазифавий йўналтирилганлиги уларни қарғишлар гуруҳи билан яқинлаштиради, чунки ҳақорат сўзлари қарғиш сўзлари каби шахсиз ҳисобланади, яъни улар қандайдир аниқ шахсга қаратилган эмас. Шундай қилиб, уларнинг асосий вазифаси ҳам ҳиссиётни ифода қилишдир. Вульгаризмлар деб **bloody (blaster, blessed, blooming –**

эвфемизмлар), **damn, beastly, rotten, stinking, four-letter words** каби сўзлар ва ҳ.к.ларни ҳисоблаш мумкин. Бир қатор мисоллар келтирамиз: 1. **She successively related the story of Bishop W. as the bloody shovel. This somewhat shocked the ladies, but Mrs. Maystone Ryle could not spoil her point by the omission of a swear word.** (У епископ В.нинг ҳикоясини қонли курак каби кетма-кет айтиб берди. Бу, аёлларни бироз ҳайратга солди, Мейстоун Райл хоним қасам ичган сўзларининг хатоси туфайли ўз фикрини бузолмади.) [9, 100]. 2. **They’ll all want to know, but it’s none of their darn business.** (Уларнинг барчаси билишни истайдилар, аммо бу уларнинг тўрлаган иши эмас.) [10, 99]. 3. **“Everyone else in this blasted college may change their minds twice a week”, said young Luke, who was frantic with hope, who had anyway given up being tactful with me.** (“Ушбу портлаган коллежда қолган ҳар бир киши ҳафтасига икки марта фикрларини ўзгартириши мумкин”, деди мен билан хушмуомалаликдан воз кечган Лук ғазаб билан.) [11, 20]. Шундай ҳолатлар борки, битта сўзнинг ўзи ҳам кўпол вульгаризм, ҳам махсус мақсадли ҳақорат сўзи тарзида идрок қилиниши мумкин. Масалан: **“You’re a damned bully”, he whispered in a passion of misery and futile rage. “A damn stinking bully”. “Come, come”, said Mr. Cardan. “I protest against stinking”** (“Сен лаънати жирканчсан” – у азоб-уқубатлардан пичирлади. “Жин урсин, безори”. Қани, келинг, деди жаноб Кардан. “Мен бадбашарага қаршиман”.) [12,253].

Контекстдан кўриниб турибдики, сўзловчининг асосий мақсади “юрагини очиш”, бироқ, юқоридаги тушунтириш бўйича вульгаризмларга кирадиган **stinking** сўзи ҳақиқатан ҳам тингловчи томонидан ўзини ҳақорат қилинган, деб идрок қилинади.

Ҳозирги пайтда ўзининг салбий коннотациясида қатъий қолган ва ҳеч қандай махсус қўшимча талаб қилмайдиган **mob** сўзининг кенг истеъмолдалиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Турли замонларда ҳақоратли, уятли сўзларнинг қўлланилиши ҳам қизиқ. Филдинг асарининг қаҳрамони Сквайернинг нутқи кўпол, тўнглиги билан ҳарактерли. У **damn, damnation, zounds, bitch, bloody** каби сўзларни кўп ишлатади. Бунинг устига бу ерда келтирилган барча сўзларнинг биринчи ва охириги ҳарфларини қўллаган (охирги сўз мустасно). Бундан маълум бўладики, бу сўзларнинг эмоционал маъноси беадаб ибораларга яқин.

XVIII аср бадиий адабиётида санаб ўтилган беадаб сўзлар кенг қўлланилганлиги маълум. Қизиғи шундаки, ўша даврларда инглизларни кўпчилик **Goddams** деб атаганлар. Байрон дидли тил устаси ва моҳир ҳажвчи бўлган. У Дон

ТИЛШУНОСЛИК

Жуаннинг Англияга келиши ва унинг таланганлиги сахнасини тасвирлар экан, бу фикрни зўр маҳорат билан қуйидагича ифодалайди.

Juan, who did not understand a word of English, save their Shibboleth, "God damn!"...(“Худо урсин” инглизча бошқа сўзни билмайдиган Жуан Шибболетни қутқариб) [13, 575].

Бугунги кунда бу сўзлар Англияда унчалик оммавий эмас **a hell of a mess** каби иборалар кўпроқ американизмдай жаранглайди. Г.Менкеннинг фикрича, **Goddamn** сўзи бугунги Англияда шунчалик кам қўлланиладики, уни эшитиб қолган миршаб дарҳол унга нисбатан чора кўради [14, 397].

Г.Филдинг асарларида **bloody** сўзи барча вазиятларда бир хил – тўлалигича ёзилган. Шунга кўра Ж.Свифт ва Г.Филдинг асарларида ишлатилган ҳақорат сўзларни қиёслаб айтиш мумкинки, бу сўз ўша даврларда одатдаги слэнг бўлиб, ҳақоратдай жарангламаган. Ўша даврда оммавий бўлган бу сўз тил қонуниятларига кўра, **mild, expletives** иборасининг таркибига кириши мумкин эди. Бироқ **bloody** сўзи эмоционал маъносининг ўзгариш жараёни анча мураккаб, **bloody** бу сўз бир маъно касб эта бошлайди. Шундан буён **ruddy, bally, blurry** каби қатор эвфемизмлар пайдо бўла бошлади. **Bloody** сўзини ёзувчилар тўла ёзишдан ўзларини тия бошладилар. Кўпинча унинг ўрнига “-” белгисини қўллаш бошладилар. Э.Уиклининг ёзишича, ҳатто судда гувоҳлик қилувчи миршаб ҳам жинойтчи уни **bliar** [15, 16-17] атаганлигини қайд қилади.

Бугун **bloody** сўзининг тўла ёзилаётганлиги унинг “оқланганлигидан” дарак беради. **UD (Universal dictionary)** [16] бу **bloody** сўзини қуйидагича таърифлайди: **a low, blasphemous, vulgar epithet also meaningless adjective much used among very low persons.** Айтиш лозимки, бу сўзни америкаликлар бошқача, англияликлар бошқача қабул қиладилар. Масалан, америкалик автомобиль ҳалокати ҳақида гапирганда **bloody mess** деб мутлақо табиий сўзлайди. Англияликлар эса бу иборадан ҳижолатланиб, ижтимоий ва лисоний меъёрнинг йўқлигини қайд қиладилар.

Ҳақорат сўзлар учун нима сабабдан “таҳқиромуз (ҳақоратли)” белгисини қўйиш билан уларнинг лексикографик талқини масаласини ечиш мумкин эмас, деган табиий савол пайдо бўлиши мумкин. Шубҳасиз, **insulting** белгиси кўпчилик ҳақорат сўзларининг луғат мақолаларида бўлиши керак. Бироқ бу билан чегараланиб бўлмайди, чунки бу сўзларнинг семантик тузилишида (қарғишлар ва вульгаризмлардан фарқли равишда) эмоционал-баҳолаш маънолари табақалаштирилган кўринишда чиқади. Демак, бундай сўзларнинг

маъноларини компонентларга тақсимлаш зарурдир.

Таҳлилни зоометафоралар гуруҳидан бошлаймиз: **ape, bug, crab, goose, hen, hyena, worm, jackal, sparrow, horse, dog** ва ҳ.к. Зоометафораларда уларнинг қўлланилишини табақалаштирувчи айрим умумий жиҳатлар жуда кўп. Масалан, **ape** нафақат **person who imitates, mimic (WND (Webster's Third New International Dictionary) бўйича)** [17], балки **silly, simpering person; crab** бу – **cross, irritable person; bug** бу – **stupid person (narrow-minded); goose** бу – **silly, foolish person; hen** бу – **an old fussy woman, (... woman – WND бўйича); worm** бу – **low, dishonest person** ва ҳ.к.

Мисоллардан кўриниб турибдики, ажратиб кўрсатилган барча компонентлар кишиларнинг салбий сифатларини қайд қилади. Шундай қилиб, бу компонентлар билан шаклланадиган эмоционал-баҳолаш маънолари салбий соҳага тегишлидир. Бироқ, баҳонинг характери бир хил бўлмайди. Масалан, : **ape** ажратиб кўрсатилган семанинг ўзига хос хусусияти сабабли нафратни ифодалайдиган нозик мазмунга эга бўлади, айти пайтда **goose** эса бирмунча ўхшаш сема билан менсимаслик, илтифотсизлик каби эмоционал-баҳолаш нозик маъноларини ўз ичига олади. Мисоллар келтирамиз: 1. **“A bloody ape!” Cranby repeated with emphasis, “and a blasphemous bloody ape!”** (*“Лаънати маймун!” деди Кренди урғу бериб “ва ҳақоратомуз лаънати маймун”*) [18, 235]. 2. **“I was a beast,” he whispered remorsefully. “I was a goose”, said Irene. But I feel different now** (*“Мен ҳайвон эдим” – афсус билан пичирлади у. “Мен нодон, лапашанг эдим” – деди Ирен. Аммо ҳозир ўзимни ўзгача ҳис қиляпман.*) [12, 28]. **Bug** сўзи ақлсиз, ақл-идроки паст кишига нисбатан ишлатилади, шунинг учун ҳам бу сўзнинг олдида (**disapproval**) “маъқулланмаган” деган белгининг бўлиши етарлидир. **Sparrow** сўзи камситиш, хўрлаш оттенкасига эга, **worm** сўзи эса яққол менсимаслик, назар-писанд қилмаслик коннотацияларидан ташқари нафрат ва жирканишни ифодалашга хизмат қилиши ҳам мумкин. (**WND** ва бошқа луғатлар ҳеч қандай белги қўймадилар).

Шундай қилиб, бундай сўзларни лексикографик талқин қилишда мазкур сўзларнинг маъноларини компонентларга ажратиш муҳим ва зарур ҳисобланади. Баъзи бир сўзлар бир неча эмоционал-баҳолаш компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунга мисол бўлиб **horse, dog** ва бошқалар хизмат қилиши мумкин. **Horse** сўзи, гарчи у ҳақорат сўзларига кирса ҳам, нутқ объектига нисбатан ҳазилона муносабат, нозик фарқи билан тушунилиши мумкин: **“Aye, I’m married.” Persy stares at me. “You never are. Well you old dark horse, you”** (*“Ҳа, мен уйланганман.” Перси*

менга тикилиб қолди. “Ҳеч қачон. Эҳ қари қора байтал.”) [19, 241]. Масалан, WND мазкур сўзнинг эмоционал баҳовий ўзига хос бу хусусиятини эътиборга олади. Айни пайтда CM (Словарь Мюллера) [20] бу маънонинг мавжудлиги ҳақида лом-мим демайди. Бунинг айниқса кераги йўқ, чунки рус тилида “от” сўзи инглиз тилига параллел бўлган образни ифодаламайди. Компонентларни ажратиб кўрсатишда ҳайвонларнинг, қушларнинг ва ҳ.к.ларнинг ўзига хос хусусиятлари эмас, балки турли тилларда ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмайдиган сўзларни ишлатишдаги анъаналар билан пайдо бўладиган борлиқ ҳақидаги содда тасаввурни назарда тутиш муҳимдир. Масалан, немис тилида “буқа” сўзи аҳмоқлик тимсоли бўлса, инглиз ва рус тилларида куч тимсолидир. Бунинг устига одатда бу сўз билан катта, сершовқин, бесўнақай кишини аташади, инглиз тилидаги бу сўзнинг эмоционал баҳовий ўзига хос “ўзини юқори олиб-мақтовли” характери шундан келиб чиқади. WND бу маънони **bull** сўзининг луғат мақоласидан ажратиб кўрсатади: **4) a very large, noisy or strong person.** Бу маъно олдида белги мавжуд эмас. Инглизча-русча луғатда бу муаммо соддагина ҳал қилинади: инглизча изоҳли луғатда бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқилган луғат мақоласининг таржимаси етарли. Инглизча-немисча луғатда эса бунга ўхшаш сўзларни кўрсатиш муомалага айланади, чунки уларни назар-писанд қилмаслик сўзнинг маъносини нотўғри талқин қилишга олиб келади: ёдда тутиш лозимки, немис тилида “балиқ” сўзи саломатлик тимсолидир, айни пайтда бу сўз инглиз ва рус тилларида яққол салбий коннотацияга эга ва ҳ.к.

Одамлар аҳмоқлигини ифодаловчи ҳақорат сўзларининг кичик гуруҳига келадиган бўлсак, бу сўзлар кўпинча икки тилли луғатларда нотўғри талқин қилинади. Масалан, Хартамф одилона ҳисоблайдики: “**It is inaccurate, unjust or inconsistent to say a man is stupid if he is merely untaught, or that he is silly when he is only superficial.**” (Агар одам шунчаки билимсиз ёки юзаки бўлса, у аҳмоқдир деб айтиш мантиқсизлик, адолатсизлик ва нотўғридир) [21,5] Хартамфнинг ўзига хос луғати ҳақиқатан ҳам таърифнинг аниқлигига интилувчи лексикограф учун яхши қўлланма бўлиб хизмат қилиб, бу турдаги сўзларнинг семалари таҳлилини беради.

Зоометафоралар биргина инглиз тилида эмас, бошқа жаҳон тилларида ҳам зоометафоралар орқали инсоннинг турли хил салбий ва ижобий эмоцияларини ифодалайди. Бунда зоометафоралар ва сўзларнинг бирмунча мажозий шаклларида анча аниқ.

Ҳақорат сўзлар коммуникатив вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Эмоционал-баҳолаш маънолари уларнинг номинатив маънолари билан бирга мавжуд бўладиган ҳамда номинатив маъно билан туғиладиган кўп сонли отлар гуруҳи: **fake, humbug, curmadgeon, harridan, lout, scoundrel, tramp, ruffian, rogue, rascal, thief, etc...** 1. “**Get out!**” he screeched. I don’t like louts here!” Up to that moment Williams had been patient, unruffled, a little amused. Now he felt the **personal affront, the whip of the words louts, got ripping him with anger** (“*Чик!*” деб бақирди у. Мен бу ерда дам олишни ёқтирмайман. Шу пайтгача Уильямс сабр-тоқатли, беозор ва хурсанд эди. Энди у ўзига нисбатан таҳқирловчи ва ҳақорат сўзларни ҳис қилди.) [22, 81]. 2. **He’s a lousy fake, young Brown, and if there’s anything I can’t stand it’s a fake** (У жуда сохта. Ёш Браун сохта туролмайди.) (19, 142) 3. **Miss Ley was pleased at the courage with which he had attacked the old courmadgeon.** (Мисс Лей кекса судьяга ҳужум қилган жасоратидан мамнун эди) [9, 40].

2. Эмоционал-баҳолаш маънолари уларнинг семантик тузилишида мустақил компонентларнинг ажралиб чиқишига имкон туғдирадиган унча ҳам оз бўлмаган отлар гуруҳи: **crook, mug, bugger, hussy, slut, etc.** 1. **We laughed at you, Griffiths and me, we laughed because you was such a mug. A mug!** (Гриффитс ва мен сизни устингиздан кулдик, чунки сиз содда, оми бўлганингиз учун. Содда!) [23,339]. 2. “**In plain language**”, said Race, “**your uncle suspected that Pennington was a crook?**” (Амакингиз Пеннингтонни фирибгар деб гумон қилганмиди? деди оддий бир тилда.) [24, 212].

3. Умумий тушунчавий йўналтирилганлиги инсоннинг аҳмоқлигини таъкидлашдан иборат бўлган синонимлар гуруҳи: **blockhead, booky, bumpkin, chump, dolt, duffer, dullard, fool, idiot, silly, etc.** 1. **He laughed savagely. “Blockhead!” He was pleased with the word and he repeated it at the top of his voice. “Blockhead! Blockhead! Club-footed Blockhead!”** (У ваҳшиёна кулди. “Галварс!”. Бу сўздан мамнун бўлиб, овозининг бошида такрорлади. “Галварс! Галварс! Маймоқ галварс!”) [23,38]. 2. “**She never grew up, but got stuck somehow. A moron. “He laughed compassionlessly.** (У ҳеч қачон ўсмаган, қотиб қолган. Аҳмоқ. У шафқатсизларча кулди.) [12,233].

4. “Зоометафораларнинг кўпсонли гуруҳи: **ass, ape, monkey, swine, pig, beast, donkey, jackal, rat, vulture, toad, cat:** 1. “**Ass**”, she retorted in a tone of tearful irritation, “**of course it was.**” (Албатта. У кўз ёшлари билан аччиқ оҳангда “Эшшак”, деди.) [24,81]. 2. “**I think you’re detestable. You’re the most loathsome beast that it’s ever been my misfortune to meet** (Менимча сиз жирканчсиз. Сиз мен ҳар доим учрашиш бахтсизлигим бўлган, энг ёмон

ТИЛШУНОСЛИК

қўрадиган ҳайвонсиз) [26, 123]. 3. In fact she can hardly open her mouth without showing everybody, what a stupid old cow she is (Ҳақиқатан, у ҳар кимга кўрсатмасдан оғзини катта очиши мумкин бўлган аҳмоқ қари сигир) [19, 223].

Ҳақорат сўзларининг лексикографик ифодаси ҳақида атрофлича тўхташ зарур, чунки бошқа иккита кичик гуруҳ – қарғишлар ва вульгаризмларнинг номлари амалда уларнинг

луғавий эмоционал белгилари билан келиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, асосий вазифаси кишини ҳафа қилиш, уни жамоат олдида обрўсизлантиришдан иборат бўлган сўзларни шартли равишда “сўкиш” (“ҳақорат”) деб аташ мумкин. Бунда сўзнинг умумий салбий коннотацияси шунчалик юксакки, уни ҳатто оғзаки талаффуз қилиш ҳам хавfli туюлади, афтидан, у бирмунча сипо кўринса-да, одамнинг иззат-нафсига тегмай қолмайди.

Адабиётлар:

1. Значковский О.О. Концептуализация положительных эмоциональных состояний «радость» (joy) и «надежда» (hope) в современном английском языке. Автореф.дисс.кан.фил.н. – М.: 2008.
 2. Абакумов С.И. Современный русский литературный язык, – М., “Наука”, 1942.
 3. Финкель А.М. и Н.М.Баженов. Курс современного русского литературного языка, Киев, 1960, стр.82.
 4. Плямоватая С.С. О грамматической природе и классификации имен существительных с уменьшительными экспрессивными суффиксами в современном русском языке. Русский язык в школе, 1955, № 6, стр.9
 5. Булаховский Л.А. Введение в языкознание, II. – М.: 1953.
 6. Травничек Ф. Некоторые замечания о значении слова и понятия, В.Я.: 1956, № 5, стр.75.
 7. Вайгла Э.А. О понятии “эмоциональная лексика”, Уч.зап. Тартуского университета, вып. 219А, 12, 1968.
 8. Lewis C.S. Studies in Words, Cambridge, 1960.
 9. Maugham W.S. Mrs. Craddock. Vintage books, London, 2000.
 10. O'hara J. From the Terrace. Random House. N.Y., 1958.
 11. Snow C.P. The Masters. House of Stratus, 2009.
 12. Huxley A. Those Barren Leaves. N.Y., 1980.
 13. Byron G.G. Don Juan. Penguin books, London, 2004.
 14. Mencken H.L. The American Language, N.Y.: 1938.
 15. Weekley E. Words Ancient and Modern, London, 1926.
 16. The universal Dictionary of the English Language. Edited by Henry Cecil Wyld. London. George Routledge & Sons, ltd. 1956
 17. Barber E. The Treatment of Slang in Webster's Third New International Dictionary, American Speech, 1993. v.38, N2,
 18. Joyce J. A Portrait of the Artist as a Young Man. Musicaum books, 2017.
 19. Barstow S. A Kind of Loving. Penguin Books, 1968.
 20. В.К.Мюллер. Полный англо-русский русско-английский словарь. – М.: “Эксмо”, 2013.
 21. Harttrampf's Vocabularies. Harttrampf Company Atlanta, 1933.
 22. Bates H.E. Death of a Huntsman. Bloomsbury, London, 2016.
 23. Maugham W.S. Of Human Bondage. Taylor Trade Publishing, N.Y., 2004.
 24. Christie A. Death on the Nile. Harper Collins, London, 2019.
 25. Huxley A. Crome Yellow. Library of Alexandria, 2004.
- Maugham W.S. The Moon and Sixpence. Dover Publications, N.Y. 2006.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)